Мухаммад II Алоуддин, Алоуддин Мухаммад
(тахм. 1182-1220-йил декабр)
(1200-1220)

Ануштегинийлар сулоласидан бўлган Хоразмшохлар давлати хукмдори. Тўлик исми Кутбиддин Мухаммад ибн Такаш ибн Эларслон ибн Ануштегин. Отаси – Такаш хоразмшох, онаси Туркон хотун кипчок хони Жонкишининг кизи. Мухаммад 1193-йил декабрда отаси томонидан Нишопур шахрига волий (хоким) килиб тайинланган. Мухаммад даврида салтанат хам худудий, хам куч-кудрат жихатидан ўзининг юксак чўккисига етган. Мухаммад даврида Хоразмшохлар давлати шимолда Орол, гарбда Каспий денгизигача, жанубда Ирок ва Газнагача, шаркда Еттисувгача кенгайган. У мамлакатни кенгайтириш сиёсатини олиб боради. Даставвал у Хирот ва унинг атрофлари хамда Хуросоннинг Хоразм давлати тасарруфига киритилмаган вилоятларини забт килишга киришади. Айникса, у корахонийларга зарба бериб, Мовароуннахрни улар кўлидан тортиб олишга харакат килади.
1218-йил Чингизхон Мухаммад хузурига шахсий вакили Ухуна бошлик 500 туядан ортик элчи ва савдогарлар карвони Ўтрорга кириб келди. Ўтрор хокими Инолчик карвонни ушлаб, элчиларни катл эттирган. Мухаммаднинг давлатини яхши ўрганган Чингизхон Хоразмга карам халкларнинг норозилигидан, лашкарбошилар орасидаги низолардан, Мухаммаднинг онаси Туркон хотун кариндошлари орасидан чиккан амалдорлардан фойдаланиши хамда Мухаммаднинг мўгуллар хужуми хабарини амалга оширган нотўгри тадбирлари (хар бир шахар ўз-ўзини химоя килиши; раиятдан 1 йил учун 3 баробар хирож йигиши) сабабли муваффакиятга эришди.
Чингизхон Хоразмга юриш килиб Ўтрор (1219), Бухоро ва Самарканд (1220)ни босиб олди. Мухаммад Мовароуннахрни ташлаб Хуросон тарафга кочди. Чингизхоннинг 20 минглик кўшининнинг тинимсиз таъкиб килиши Мухаммадга ўз кучларини кайта тўплаб, нафасини ростлашга имкон бермади.
Каспий денгизининг Ашур оролига бориб колган Мухаммад каттик бетоб бўлиб колди ва умрининг охирида олдинги карорини ўзгартириб, ўгли Кутбиддин Ўзлокшохнинг ўрнига Жалолиддин Мангубердини валиахд деб эълон килди. Ўша оролда вафот этди ва шу ерда дафн этилди. Кейинчалик Жалолиддиннинг фармойишига кўра, Мухаммаднинг жасади Исфахондаги хоразмшохларнинг хотирасига курилган макбарага кўмиш учун Ардахн калъасига келтирилган.